

Н.Х. Ҳақимов, Ш.Х. Зулфиқоров,
Н.Н. Қодиров

ЎЗБЕКИСТОН
ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА



“IQTISODIYOT”

3,2 p (23'2)
X. 20


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



Н.Х. Ҳакимов, Ш.Х. Зулфикоров,
Н.Н. Қодиров

ЎЗБЕКИСТОН
ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА

Монография



Тошкент – “ИҚТИСОДИЁТ” – 2022

32 С (С52)

X-20

УЎК: 325.7.0 (575.1)

КБК: 68.4 (5У)

Ў 54

Ҳакимов Н.Х., Зулфқоров Ш.Х., Қодиров Н.Н. “Ўзбекистон янги тараққиёт босқичида”. Монография. – Т.: “ЎТЎСЎДИЙЎТ”, 2022. – 352 бет.

Ушбу монография ижтимоий фанларнинг муҳим мавзуларидан бири – мамлакатимиз янги тараққиёт босқичида амалга оширилган ислохотлар мазмуни, моҳияти, шахс ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларининг муҳим қирралари, амалга ошириш воситалари ва унинг жамият тараққиёти учун амалий ва назарий аҳамияти жиҳатлари тадқиқига бағишланган. Мамлакатимизда миллий юксалиш жараёни трансформацияси натижасида янги тараққиёт босқичининг мазмуни, моҳияти ва ривожланиш омиллари очиб берилган.

Муаллифлар янги тараққиёт босқичида таълим, олий таълим жараёнининг Учинчи ренессанс пойдеворини шакллантириш жараёни билан боғлиқлигини асослашга уринган. Соғлиқни сақлаш тизимининг шаклланиши ва инсон ижтимоий, иқтисодий ҳаётига таъсири, спорт, маданият ва санъатнинг равнақи, ушбу соҳаларда олиб борилаётган самарали ислохотлар таҳлил қилинган.

Монографияда минтақадаги атроф-муҳит муҳофазаси, экологик хатарлар ва уни юмшатиш механизмлари кўрсатилган. Муаллифлар янги Ўзбекистоннинг яхши кўшничилик муносабатларини ривожлантириши, миллатлараро муносабатлардаги толерантлик ва диний бағрикенглик масалаларини очиб берган. Ушбу тадқиқот мустақил тадқиқотчилар, бакалаврлар, магистрантлар ва кенг китобхонлар аудиториясига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир

и.ф.д., проф. М.П. Эшов

Тақризчилар:

Сиёсий фанлар доктори, профессор М. Юлдашев;

Тарих фанлари доктори, профессор Х.Э. Юнусова;

Фалсафа фанлари номзоди, доцент А.К. Содиқов

Ушбу монография Тошкент Давлат иқтисодий университетининг 2021 йил 30 ноябрдаги №4-сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6363-9-2

© “ЎТЎСЎДИЙЎТ”, 2022.

© Н.Х. Ҳакимов, Ш.Х. Зулфқоров,
Н.Н. Қодиров, 2022.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	4
I боб	ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИНИНГ НАЪРАРИЙ МЕТОДОЛОГИК ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ...	6
1.1	Ўзбекистонда миллий давлатчилик асосларининг яратилиши ва конституциявий тузумга асос солиниши.....	6
1.2	Ўзбекистонда демократик ислохотлар жараёнида парламент институтининг ривожланиш тенденциялари.....	84
II боб	ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ.....	157
2.1	Ўзбекистонда янгича ижтимоий муносабатлар шаклланиши ва инновацион тараққиётнинг устувор кўрсаткичлари белгиланиши.....	157
2.2	Янги Ўзбекистонда таълим равнақи – Учинчи Ренессанс пофидасори яратилиши.....	177
2.3	Ўзбекистонда демократик ислохотлар натижасида спорт, миданият ва санъатнинг равнақи.....	192
III боб	ҲУҚУҚСОҲБАДЧИЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИ ДАВРИДА ИНСОН ОМИЛИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ.....	222
3.1	Олий таълимдаги ислохотлар ва рақобатбардош кадрлар корпусининг шакллантирилиши.....	222
3.2	3.2. Жамиятнинг янги тараққиёт босқичида соғлиқни саклаш тизимининг такомиллаштириши.....	250
3.3	Жамиятда атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик хавфсизликнинг таъминланиши.....	264
IV боб	ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА ДИНИЙ ТОЛЕРАНТЛИКНИНГ ЮКСАЛИШИ.....	292
4.1	Тараққиётнинг янги босқичида миллий-маданий муносабатлар ва яхши кўшничлик анъаналарининг ривожлантирилиши.....	292
4.2	Янги тараққиёт босқичида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг янги босқичга кўтариллиши.....	303
	ГЛЮССАРИЙ.....	317
	ҚОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	337

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси янги тараққиёти босқичида инсон манфаатлари, ҳар бир шахснинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, фаровон турмуш кечириши ўтказилаётган демократик ислохотларнинг бош мақсадидир. Шу муносабат билан олий таълимда ижтимоий фанларга, шу жумладан, мустақилликнинг ҳуқуқий асослари яратилиши жараёни, мамлакатимизда демократик ислохотлар кўлами, хусусан, Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниш жараёни ва ушбу тарихий ҳужжатнинг амалий аҳамиятини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, суверен давлатимиз ривожига муҳим воқеа икки палатали парламентнинг шаклланиши, мамлакатимизда сайлов жараёнининг демократик талаблар асосида, халқаро ҳуқуқ нормаларига мос суръатда ривожланиш жараёнини ўрганиш бўлажак бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Табиат, инсон ва жамият орасидаги ўзаро муносабатларни илмий, ижтимоий, фалсафий жиҳатларининг фундаментал ва ижтимоий фанлар вакиллари томонидан тадқиқ қилиниши долзарб, назарий ва амалий аҳамият касб этадиган масалалардан бирига айланди. Унинг долзарблиги жаҳонда кечаётган ижтимоий ва иқтисодий, муайян ҳолатларда сиёсий жараёнларнинг ижтимоий, иқтисодий ривожланиш, табиғий ресурслардан самарали фойдаланиш, инсон манфаатларининг, унинг соғлиғи, яшаш шароитининг такомиллашуви, узок умр кечириши, меҳнат шароити, ҳўжалигининг бутлиги, санитария талабларига жавоб бериши, озик-овқат хавфсизлиги масалалари билан узвий боғлиқдир.

Глобаллашув даврида Ўзбекистоннинг ижтимоий, иқтисодий тараққиёти, унинг жадал ривожланиши жараёни ва ўтказилаётган демократик ислохотларнинг ўзига хос хусусиятлари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Мамлакатимизда янги тараққиёт босқичида демократик ислохотларнинг кейинги беш йилдаги жадаллашуви, унинг стратегик, устувор йўналишлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев асарлари, нутқлари, қарорлари ва фармонларида ўз аксини топган бўлиб, уларда янги тараққиёт босқичининг назарий, методологик асослари белгиланган. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ва кенг кўламли ислохотлар юртимизда янги даврни – янги Ўзбекистон даврини бошлаб берди. Бугун юртимизда тарихан қисқа фурсатда бутунлай янгича сиёсий, ижтимоий-

иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит пайдо бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор”¹.

Бугунги кунда мактаб таълими, олий ўқув юртлири фаолияти рақамли иқтисодиёт, юқори малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлаш талаблари асосида тинкил қилиниши долзарб аҳамият касб этмоқда. Ислохотларнинг миллий инқилибинидан миллий юксалишга қаратилганлиги инсоннинг демократик ислохотлардаги фаоллигини оширади, мамлакатимизда янги тараққиёт босқичида амалга оширилаётган яратувчанлик, илгарилаш, рақамлаштириш, ижтимоий, иқтисодий жараёнлар жадаллашувида иштирок этишга, инновацион юмларни илгари суришга ундайди.

Ислохотлар натижасида эришилаётган ютуқларнинг илмий таҳлили, миқур натижалар фуқароларнинг келажакка ишончини янада кучайтириб, она шминга, юртга муҳаббатини ошириб, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий ривожланишни кадрлашларига сабаб бўлиб, улардан янада самарали фойдаланишнинг инновацион имкониятларини яратишга интилиш тобора ортаётганлигидан далолат беради. Янги тараққиёт босқичида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг илмий, фалсафий асосларини инновацион методлар асосида ўрганиш, олий таълимда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини таъминлаш ва бўлажак мутахассисларни тайёрлашнинг инкомиллашуви жараёнида ижтимоий фанлар кадрларни кенг дунёкараш эгаси ни чинакам инсон, юртимиз ва дунёдаги воқеа-ходисаларни мустакил ҳамда итрофлича мушоҳада этадиган тафаккур эгаси сифатида чиниктириш механизмининг муҳим қисми ҳисобланади.

Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, демократик ислохотлар кесимида ижтимоий соҳа муҳим ўрин тутгани сингари ижтимоий масалалар инсон омили билан бевосита боғлиқ бўлиб, мамлакатимиз янги тараққиёт босқичида назарий ва амалий аҳамият касб этади. Бўлажак иқтисодчиларнинг ижтимоий соҳадаги ислохотлар мазмуни, мақсади ва ривожланиш стратегиясига оид маълумотларга эга бўлиши уларнинг юқори малакали мутахассис сифатида шаклланишидаги асосий омилардан бири ҳисобланади.

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустакиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // Халқ сўзи. 2021 йил 31 август.

I боб. ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИНING НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистонда миллий давлатчилик асосларининг яратилиши ҳамда конституциявий тузумга асос солиниши

XX асрнинг охирида собиқ Иттифоқда эълон қилинган қайта қуриш ва ошқоралик сиёсати инкирозга учради. Шу даврда собиқ Иттифоқ таркибида яшовчи халқларнинг ижтимоий аҳволи ёмонлашди. Жумладан, Ўзбекистон бой табиий ресурслар, меҳнаткаш халқига эга бўлишига қарамадан, республикада мураккаб ижтимоий ҳолат вужудга келди. Республика иқтисодиёти бир ёклама ихтисослаштирилган эди. Натижада ижтимоий вазият, аҳоли ижтимоий таъминоти ва ҳимояси мутлақо қониқарсиз ҳолатга келиб қолди. Қишлоқ аҳолисининг канализация ва водопровод билан таъминланиши атиги 5 фоиз, ичимлик суви билан таъминланиши 50 фоизни ташкил қилар эди. Жумладан, саноатда тайёр маҳсулотнинг улуши - атиги 50 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 80 фоизи мутлақо қайта ишланмай, ташқарига чиқар, экспортнинг 2/3 қисми хомашё, яримтайёр маҳсулотлар бўлиб, импорт таркибининг 60 фоизи машина, асбоб-ускуна, енгил ва озиқ-овқат саноати товарлари эканлиги иқтисодиётнинг номутаносиб таркибининг яққол исботи эди. Бундай ҳолатни келтириб чиқарган сабаблар: иқтисодиётга раҳбарлик қилишнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларига зўр берилиб, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга яроқсиз ёндашувларнинг тобора кучайиб бориши; республикага собиқ марказдаги саноат вазирликлари ва идораларининг мўмай хомашё манбаи сифатида қараб келиниши; республиканинг маҳаллий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига етарлича, баъзан мутлақо баҳо берилмагани, баъзида эса бу хусусиятларнинг писанд ҳам қилинмагани; ижтимоий ва иқтисодий соҳани комплекс, жадал ривожлантиришнинг, умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг мавқеи ва ўрнини ўзгартиришнинг муқобил йўллари эътиборга олинмагани билан боғлиқ.

Пахта яккахоқимлиги масаласи халқимиз бошига туширган аянчли

қонинтир, иқтисодийнинг издан чиқарилгани, аҳоли даромадларининг ниқомтида насллиги, генофонднинг бузилиб кетаётганлиги, болалар ва оналар Улимининг авж олгани, республиканинг экологик ночор ахволи – буларнинг барчаси мустабид империянинг баландпарвоз шиорлари билан ниқобланган мустиамлика сиёсати эди. Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий кийинчиликлар натижасида миллатлараро муносабатлар таранглашди.

Жумладан, Фарғона водийсида маҳаллий аҳоли вакиллари ва меҳсети турклир ўртасида зиддият келиб чиқди. 1989 йил 24 майда Қувасой шаҳрида ёшлар ўртасида бўлган безорилик миллатлараро (маҳаллий ёшлар билан меҳсети турклари ўртасида) тўқнашувни келтириб чиқарди ва бу жоғаро бутун Фарғона водийсига ёйилиб, оммавий тус ола бошлади. Республиканинг ўша пайтдаги сиёсий раҳбарияти юзага келган бу мураккаб вазиятни тўғри баҳолай олигани учун ёшларнинг оммавий чиқишлари, миллатлараро тўқнашувлар катта жоғарога айланиши муқаррар бўлиб қолди. Умуман, 1989 йил 3-12 июнь кушлари Фарғона вилоятда бўлган тартибсизликлар оқибагида 650 хонадонга ўт қўйилиб, вайрон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси мустиқиллиги тарихида 1989 йил 21 октябрда республика Олий Совети томонидан “Давлат тили ҳақидаги қонун” қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши, шунингдек, 1990 йил 24 мартда президентлик институти жорий этилиб, Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикасининг Президенти деб эълон қилиниши ана шундай тарихий аҳамиятга моликдир.

1990 йилнинг 20 июнида Ўзбекистон Республикаси Олий Совети “Мустиқиллик декларацияси”ни қабул қилди. Шу кундан бошлаб мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётига оид қарорлар мустиқил қабул қилина бошланди. Ана шу жараёнда 1991 йилнинг декабри ноёнида Совет Иттифоқининг Президенти истеъфога чиқди, Совет Иттифоқи тугатилди. 1991 йил август воқеаларидан сўнг 1991 йилнинг 26 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Давлат мустиқиллиги тўғрисидаги Қонун лойиҳасини муҳокама қилди. 1991 йил 31 августда Олий Советнинг

тарихий XII сессияси “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида”ги Қонунни қабул қилди. Шу кундан эътиборан давлатимиз Ўзбекистон Республикаси номи билан аталадиган бўлди. Ушбу тарихий сессия қарорига биноан 1 сентябрь Мустақиллик куни байрами деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ҳеч шубҳасиз, истиклол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида тарихий ишлар амалга оширилди, мард ва олижаноб халқимизнинг буқилмас иродаси ва улкан салсҳияти билан қатта марралар забт этилди. Тарихан қисқа муддатда мамлакатимиз Конституцияси – Асосий қонунимиз ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ватанимиз суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Ўзбекистонда замонавий давлатчилик асослари яратилиб, конституциявий тузумга асос солинди. Давлат ҳокимиятининг учта мустақил тармоғи – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари қарор топди. Том маънодаги конституциявий давлат барпо этилди”¹. Мустақилликнинг барча энг муҳим ва зарур атрибутларига эга бўлди. Таъкидланганидек, 1992 йилнинг 8 декабрида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Суверен давлатимиз рамзлари тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси 1992 йилнинг 2 мартда БМТга қабул қилинди. Ўзбекистонда икки палатали парламент – Олий Мажлис вужудга келди. Мамлакатда кўппартиялилик шаклланди. Жаҳон афғор оммаси, ривожланган мамлакатлар Ўзбекистонни мустақил, суверен давлат сифатида тан олди.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт босқичида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида тарихий ўзгаришларга эришилди. Халқнинг давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлашга эришиш ижтимоий, иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишини белгилаб берди. “Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ва давлат мустақиллигини, сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти ҳамда миллий манфаатларимизни ишончли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари. Янги Ўзбекистон. Ижтимоий-сиёсий газета. 165 (421-сон), 2021 йил 17 август.

химоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучлар ташкил этилди. Миллий валютаимиз – сўм жорий этилди ва олтин-валюта захираларимиз шакллантирилди. Қадимий тарихимиз, бой маданий меросимиз, миллий-диний қадриятларимиз, ўзлимиз тикланди”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 27 йиллиги муносабати билан сўзланган маърузасида, “Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гирови” деган концептуал фикрга алоҳида эътибор қаратилган эди. Негаки, конституция ва қонун устуворлиги таъминланмас экан, ўша муҳитда тўла эркин ва адолатли давлатни тасаввур қилиш ўта мураккаб ҳисобланади. Зотан, халқнинг фаровон турмуш тарзи мана шу устувор принцип билан амалда узвий боғланган бўлади.

Ҳар бир халқнинг тақдирида муҳрланиб қоладиган тарихий ҳужжатлар миллат раънақи, давлатчилик пойдеворининг мустаҳкам бўлиши учун хизмат қилганлиги билан аҳамиятлидир. Ўзбек халқи тарихида ҳам кескин бурилиш ясаган, истиқлол учун курашлар самараси бўлган, аҳамияти жиҳатидан асрларга татигулик ҳуқуқий ҳужжат – Асосий қонунимиз, яъни Конституцияни алоҳида эътиром билан тилга оламиз. Мустақил давлатчиликнинг белгиси ҳисобланмиш Конституция, аввало, миллатнинг юзи, халқнинг эрки ифодаси, жамият таракқиётининг асосидир. Том маънода янги демократик тузумни барпо этиш мақсадида қабул қилинган Конституциямизнинг ғояси, асосий принцип ва қоидалари умум-эътироф этилган халқаро талаблар билан бирга халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланиб келган қадриятларини ҳам ўзида мужассам этган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг кўп минг йиллик бой миллий давлатчилик тарихий-ҳуқуқий ва маънавий меросига асосланган. Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик ва ҳуқуқ тарихи ўзининг чуқур илдизларига эга бўлиб, қадим-қадим даврларга бориб тақалади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Донировнинг саволига жавоблари. Янги Ўзбекистон. Ижтимоий-сиёсий газета. 165 (421-сон), 2021 йил 17 август.

Бугунги янги ривожланиш палласида Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиётининг асос-замини бўлмиш миллий давлатчилиги анъаналарига содиқ қолган ҳолда, том маънодаги демократик ва инсонпарвар, халқаро андозаларга мос мукамал ҳуқуқ тизимни қайтадан яратмоқда. Мазкур янгиланиш жараёнига ҳамоҳанг халқимизнинг маънавияти камол топмоқда.

Гап Асосий қонун ҳақида кетар экан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилишнинг тарихий заруратига қуйидагилар киради:

– собиқ Иттифокда пайдо бўлган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий танглик;

– Ўзбекистон Республикасининг ўз мустақиллигини қўлга киритиши ҳамда дунё харитасида янги суверен давлат Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши;

– “Мустақиллик декларацияси” ва “Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши Конституция қабул қилинишига ҳуқуқий асос бўлди;

– Ўзбекистон халқи ўз олдига ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамият қуришни мақсад қилиб қўйди.

Ўзбек халқи асрлар мобайнида сақланиб, сайқал топиб келган ўз миллий урф-одатлари, расм-русум, удум ва анъаналари, гурури, ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи, ҳуқуқий онги, эътиқоди, бир сўз билан айтганда, маданий-маънавий дунёси билан ажралиб туради. Буюк аجدодларимиз умумбашарият маърифатпарварлигини яратишда бевосита иштирок этганлар, улар жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшганлар. Уларнинг бой маданий-ҳуқуқий меросидан Асосий қонунимизни яратишда кенг фойдаланилди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган санадан эътиборан дунё саҳнида янги, суверен давлат қарор топган бўлса, биринчи Конституциямиз қабул қилинган куни давлатимиз янгидан тугилди, ҳақиқий мустақиллигимизга мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор қўйилди.

Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантирди ва мустаҳкамлади. Энг муҳими, Асосий

қонуниimiz ҳар томонлама ва чуқур ўйланган умумхалқ муҳокамасидан кейин демократик йўл билан қабул қилинди.

Ўзбекистон Конституцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Хинфсизлик ва Ҳамкорлик кенгаши каби нуфузли халқаро ташкилотлар, АҚШ, Буюк Британия, Франция сингари ривожланган демократик давлатлар мутахассисларининг синчков назаридан ўтган ва жаҳондаги энг демократик конституцияларидан бири сифатида эътироф этилган.

Асосий Қонунимизга нисбатан бундай юксак ва холис баҳолар берилиши бсжиз эмас, албатта. Ўшанда ҳам, ҳозиргача ҳам ҳеч ким, ҳаттоки, бизни хуш кўрмайдиган кишилар ҳам Конституциямизнинг демократик моҳияти, халқаро аҳамиятини инкор эта олмади. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз Ўзбекистон тарихида узок, давомли мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган тамойил ва коидалари билан ишончли ва ҳал қилувчи омил бўлди, деб таъкидлашга етарлича асосларимиз бор.

Демократик ислохотлар йилларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўн тўрт марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар, аввало, Конституциянинг ҳаётийлигини, жамият ва давлат тизимида бўлаётган янгиланишлар билан ҳамнафаслигини таъминлаб берди. Шунингдек, мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар халқ ҳокимиятчилиги ва ҳокимиятлар бўлиниши принципи ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириб, амалий ҳаётга жорий этилишини таъминлаб берди.

Натижада давлат ҳокимияти ва бошқаруви янада демократлашиб, фукаролар томонидан сиёсий ҳуқуқларини тасарруф этиш механизмининг самарадорлиги оширилди, фукароларнинг сиёсий фаоллиги, сиёсий онги ва маданияти мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ҳар бир ўзгартириш ва қўшимча ўзига хос бўлиб, амалга оширилган ислохотлар даври билан боғлиқ ҳисобланади.

Шундай қилиб, юкоридаги фикр-мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, Конституциямиз Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида жаҳонга танитган тарихий сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Ушбу ҳужжатни тайёрлаш, муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёнлари тўлалигича демократик асосларда кечди;

иккинчидан, Конституциямиз ҳақиқатан ҳам демократик Конституциядир. У – тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятлар, халқаро андозаларни ўзида мужассам этган ҳужжат;

учинчидан, Конституциямиз жаҳон конституциявий харитасида ўз ўрнини топди ва унда жаҳон конституциявий тажрибаси нотуклари ўз аксини топди;

тўртинчидан, Конституциямизнинг ғоя ва меъёрлари ўзбек халқининг теран тарихий илдиэларига асосланган бўлиб, у кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятлар, улуг аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини ўз ичига олган;

бешинчидан, Конституциямиз – ўзимизга хос ва мос тараққиёт, ривожланишнинг янги босқичи ҳуқуқий асоси бўлди.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини барча фуқароларимиз, уларнинг ёшидан қатъи назар, ўрганишлари лозим. Дарҳақиқат, кўп нарса мамлакатда Конституцияни оммавий равишда ўрганиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ. Мана шу мақсадда давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Конституциясини болалар боғчасидан бошлаб ўргатиш, мактабларда дарслик тариқасида ўқитиш ҳамда олий ўқув юртларида махсус дарс сифатида ўрганишни вазифа қилиб қўйди. Чунки ҳар бир шахс кундалик ҳаётида Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита мурожаат қилади. Конституциямиз ўзининг туб мазмун-моҳияти билан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаб берувчи олий юридик ҳужжатдир. Шунингдек, Конституцияда мамлакат суверенитетининг ҳуқуқий асоси ва кафолати ўз мужассамини топган.

Сир эмаски, ҳар бир давлат бошқа мамлакатлар орасида ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, худудий яхлитлигини сақлаш, суверенитетини ҳимоя қилиш бўйича сиёсат олиб боради. Бундай шароитда, давлат олдида турган мақсад ва вазифалар қандай воситалар ёрдамида амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади. Халқаро ҳамжамият билан бўладиган муносабатларда, давлатлар ўртасидаги ҳамкорликда глобаллашув жараёнининг шиббий оқибатлари бўлган “оммавий маданият”, ахборот хуружининг авж олиши, табиий ресурслар учун курашнинг кескинлашуви давлатларни ўз суверенитетини ҳимоя қилишга сафарбар этади.

Давлат халқнинг расмий вакили сифатида ўз фуқароларининг иродасини ифода этади. Фақат суверен давлатгина фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла ва ҳар томонлама таъминлаши мумкин. Давлат суверенитети деганда, давлат ҳокимиятининг устуворлиги, унинг мамлакат ичкарасида ҳам, халқаро майдонда бошқа давлатларга нисбатан ҳам тўла мустақиллиги тушунилади. Суверенитет давлат ҳокимиятининг алоҳида хусусияти бўлиш билан бир пайтда, давлатнинг муҳим белгиси ҳам ҳисобланади. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг энг муҳим конституциявий тамойилларидан бири давлат суверенитети принципи ҳисобланади.

Суверенитет олий ҳокимият деган маънони англатиб, давлат ички ва ташқи сиёсий фаолиятида ўзининг мустақил ва олий давлат ҳокимиятига эга бўлади. Суверенитет ҳар қандай мустақил давлатнинг умумий ва ажралмас белгиси бўлиб, унинг тўла ҳуқуқлилигини ҳамда ички ва ташқи ишларда бошқа давлатга қарам эмаслигини англатади. Суверен давлат ўз ички ва ташқи ишларини бошқа давлатларнинг ҳуқуқларини, шунингдек, халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларини бузмаган ҳолда, ўзи хоҳлаганча ҳал қилади.

Суверенитет мустақил давлатга хос тушунча бўлиб, у билан бирга вужудга келади. Давлат ва унинг хусусияти бўлган суверенитет тарихий ходисадир. Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, яъни ўз

тақдирини чет давлатларнинг аралашувисиз белгилаш ҳукуқи давлат суверенитетининг асосини ташкил этади.

1913 йилда ер қуррасида 57 та давлат мавжуд эди. Ҳозирга келиб, уларнинг сони икки юзга яқинлашди. Бошқача сўз билан айтганда, XX асрнинг иккинчи ярмида ер қуррасидаги давлатларнинг сони уч бараварга ошди. Ушбу омилнинг ўзи бизнинг давримизга келиб, ижтимоий-сиёсий ривожланиш халкларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳукуқи, давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва жамият ҳаётининг давлат-ҳуқуқий шаклидан фойдаланиши билан узвий боғлиқ эканлигини англатади.

Бироқ гап санок ёхуд кўрсаткичларда эмас. Давлатлар томонидан амалга ошириладиган функциялар доираси кенгайди, жамият ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, иқтисодий ҳаётда ҳуқуқнинг роли ошди. Бинобарин, давлат ҳокимиятининг зарур хусусияти сифатида суверенитет ролининг ўсиш жараёни кузатилмоқда. Бундай жараён турли шаклларда учрайди ва турли мамлакатларда турли хил оқибатларга олиб келади. Лекин ҳамма жойда суверенитет муаммоси мазкур жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий тизимининг марказида туради ва шундай экан, суверенитет ролининг ошиб бориши давлатларнинг ички ҳуқуқида ҳам ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси “Ўзбекистон – суверен демократик республика” эканлигини эълон қилувчи ва қонуний мустаҳкамловчи муҳим қоидадан бошланади. Конституциянинг 1-моддасида “Ўзбекистон – суверен демократик республика. Давлатнинг “Ўзбекистон Республикаси” ва “Ўзбекистон” деган номлари бир маънони англатади”, деб белгиланган.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги конституциявий қонунда, “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш баёноти”да, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида”ги қарорида ҳамда бироз олдин 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган

"Мустақиллик декларацияси"да мамлакатимиздаги кўп миллатли аҳолининг хоҳиш-иродаси мустақкамлаб кўйилди ва мазкур хоҳиш-ирода 1991 йил 11 декабрдаги умумхалқ референдуми томонидан тасдиқланди. Декларацияда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ва суверен демократик республика шаклиги расмийлаштирилди. Декларациянинг қолган моддаларида Ўзбекистоннинг давлат ҳудуди ва чегараси дахлсизлиги, давлат ҳокимияти Ўзбекистоннинг ҳудудига кирадиган барча таркибий ва бўлинмас қисмлари устидан амалга оширилиши ва шу ҳудудда яшайдиган аҳолига тааллуқлилиги мустақкамланган (2-4-моддалар).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси демократик давлатдир. Давлатнинг демократиклиги, аввало, унинг халқпарварлиги таъминланишида, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишида, мафқуравий ва сиёсий хурфикрлиликда, фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришида ўз аксини топади. Бинобарин, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг манбаи халқдир. Бу давлатнинг халқчилиги, демократиклигини англатади. Ана шу жиҳатлар истиқлолнинг дастлабки кунларидан давлатчилик асослари яратилиши ва келгуси тараққиёт йўлини белгилашда асосий омил ва йўналиш сифатида белгиланди. Бугунги кунга қадар мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган ислохотлар том маънода шу принципларнинг амалда қарор топишига хизмат қилиб келмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар туб моҳиятан мазкур тенденцияни янгича, жадал тараққиёт босқичига юксалтиришга хизмат қилаётганлиги яққол намоён бўлмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини эълон қилиб, халқаро ҳамжамият билан ўзаро муносабатларини халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлигини тан олган ҳолда мустақкамлади.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат шаклланиши билан бир қаторда миллий қонунчиликнинг ривожланиш ва амал қилиш жараёнлари чуқурлашиб бормоқда. Ўзбекистондаги мавжуд қонунчилик тизими умумий

қабул қилинган халқаро мажбуриятларга мувофиқ ривожланмоқда. У халқаро ҳуқуқ билан давлат ички ҳуқуқининг муштараклиги, умумэътироф этилган халқаро стандартлар, шартномалар ва конвенцияларни мустаҳкамлаш асосида такомиллашиб бораёпти.

Мустақил Ўзбекистон давлати барпо қилинган дастлабки кунларданок катта ва кичик халқларнинг суверен ҳуқуқларига қатъий ва оғишмай риоя қилиш учун ҳаракат қилинмоқда.

Ўзбекистоннинг давлат ҳокимияти ваколатига унинг ички ва ташқи сиёсатига тегишли барча масалалар кириши, халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари тан олинishi ва уларнинг ҳурмат қилиниши ҳамда давлатимиз ўзининг бошқа давлатлар билан сиёсий, иктисодий, маданий ва бошқа муносабатларини шартномалар асосида белгилаши ва амалга ошириши, ўзининг тараққиёт йўли, ўз номини мустақил белгилаши ва давлат белгиларини ўзи таъсис этиши Ўзбекистоннинг суверенлиги белгиларидир.

Ўзбекистонда давлатнинг бошқарув шакли республикадир. Республика халқ ҳокимияти демақдир. Республика энг асосий умуминсоний ҳуқуқий бойликлардан биридир. Бошқарувнинг республика шакли давлат идоралари ваколатларини аниқ белгилаб бериши, қонун чиқарувчи ва ижроия органларининг сайлаб қўйилишини англатади.

Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва худуди дахлсиз ва бўлинмасдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида қонунлаштириб қўйилганидек, “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.


Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва эллатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини

таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади". Юқорида кайд этилганидек, 1989 йилнинг 21 октябрида миллий тилимизга давлат тили микомининг берилиши истиклолимиз сари қўйилган энг мухим қадамлардан бири бўлди. Ўзбек халқи бағрикенглигининг ифодаси сифатида 1995 йил "Давлат тили тўғрисида"ги қонун янги тахрирда қабул қилинди ва дастлабки қонунга нисбатан анча юмшатилиб, қардош халқлар манфаатлари унда янада тўлароқ эътиборга олинди, бир қатор қатъий қоидалардан воз кечилди.

Эндиликда идора ишлари ўзбек тилида олиб борилмоқда. Ўзбек тилида қонунларимиз, давлат ҳужжатлари, илмий асарлар ва тадқиқотлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари пайдо бўлди. Бу билан бизга жаҳон маданияти ва ахбороти миконига тақдирини ўз қўлига олган миллат сифатида тўлиқ кириш, тилимиз жозибадорлигини халқаро микёсда намоён этиш учун кенг имкониятлар очилди. Ўзбек халқини, унинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода қиладиган восита бўлмиш ўзбек тилининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, мазкур тилнинг давлат тили мақомидек салоҳиятини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш умумхалқ вазифасидир.

Юқорида кайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети унинг ўз ҳудудида ички сиёсатини ўзи олиб бориши ва халқаро муносабатларда тўла мустақиллигини англатади. Давлатнинг тўлиқ мустақиллиги халқнинг ва инсонларнинг ҳуқуқлари билан вобастадир ҳамда давлат ҳокимиятининг мутлақлашувини инкор этади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари давлат суверенитетига соя солмайди. Гарчи, кўпчилик давлатларнинг конституцияларида эътироф этилганидек, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ҳисобланади. Давлат суверенитети халқ суверенитети билан чекланади, холос. Халқ мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий тузумини белгилаш ҳуқуқига эгадир. Давлат халқнинг олий ҳуқуқини ҳурмат қилишга мажбурдир.

Конституцияда белгиланганидек, мустақил Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат рамзлари – давлат байроғи, давлат герби ва давлат мадҳиясига эга. Давлат рамзларининг мавжудлиги Ўзбекистоннинг суверенлиги ва



мустақиллигининг муҳим белгиларидан биридир. Шу нуқтаи назардан давлат рамзларининг ҳуқуқий мақоми, уларнинг тавсифи мамлакат қонунчилигида аниқ тартибга солинди ва қатъий белгилаб қўйилди.

Давлат суверенитетининг асосий атрибуларидан бири унинг байроғи ҳисобланар экан, унга таъриф берадиган бўлсақ, давлат байроғи тасвири қонун билан белгиланадиган, бирор давлатни бошқа давлатдан фарқловчи расмий белгиси, нишонидир. У давлат мустақиллиги, суверенитети рамзи ҳисобланади. Одатда, давлат байроғи, унинг ранги, тузилиши ва элементлари рамзий аҳамиятга эга бўлади.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг схематик ва рангли тасвири 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган қонун билан тасдиқланган. Мазкур қонунга 1999, 2004 ва 2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвири, унинг элементлари хужжатлар ва материаллар реқвизитларига киритиш, давлат байроғи бошқа давлатлар байроқлари билан бирга кўтарилиши, қонун ижроси бўйича назоратни амалга ошириш ва шу қабиларни ўзида ифодаловчи белгиларни киритиш тартибини аниқлаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат байроғи тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида кўрсатилганидек, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзидир”.

Мамлакатимиз суверенитетининг яна бир муҳим атрибути – “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги қонун 1992 йил 2 июлда қабул қилинган ва 1999, 2003, 2004 ва 2010 йилларда ўзгартишлар киритилган. Ушбу қўшимчалар қонуннинг ижросини таъминлаш тартибини такомиллаштириш ва ижросини назорат қилиш, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербига ҳурмат билан муносабатда бўлиш бўйича хужжатлар ва материаллар реқвизитларига киритишни ўзида ифодаловчи белгиларни киритиш тартибини аниқлаштиришга қаратилди.

Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби Ўзбекистон Республикаси суверенитетининг рамзи ҳисобланади. У суверен

Ўзбекистоннинг бой миллий, тарихий анъаналарини ўзида мужассамлаштирган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвиридан Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида предметлар, ўқув-тарбия жириёида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларининг эменти сифатида фойдаланилиши мумкин.

Мадхия ҳам замонавий давлатларда миллий суверенитет атрибути ҳисобланади. Чунончи, 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадхияси тўғрисида”ги қонунга биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадхияси Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзидир. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадхиясига нисбатан зўр эҳтиром билан муносабатда бўлиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир.

Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадхияси қуйидаги ҳолларда ижро этилади:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш чоғида – у қасамёд қабул қилганидан сўнг;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сессияларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисларининг очилиши ҳамда ёпилиши чоғида;

– Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган умуммиллий байрамларга бағишланган тантанали йиғилишлар ва мажлисларнинг очилиши чоғида;

– давлат телевидение ва радиоэшиттириш компаниялари томонидан ҳар куни – кўрсатув ва эшиттиришлар бошланишидан аввал ва тугаганидан сўнг, кўрсатув ва эшиттиришлар кечаю-кундуз олиб борилганида эса соат 6:00 да ва соат 24:00 да, янги йил кечасида – соат 24:00 да;

– республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан, атоқли сиёсий, давлат, ҳарбий арбоблар, халқ қаҳрамонлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатилган ҳайкаллар, шунингдек, монументлар, ёдгорликлар ва бошқа иншоотларнинг очилиши чоғида;

– давлат органлари, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган маросимлар ва бошқа тантанали тадбирлар вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини кўтариш чоғида;

– расмий сафар билан Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш чоғида – тегишли хорижий давлатнинг давлат мадҳияси ижро қилиб бўлинганидан кейин;

– ҳарбий маросимларни ўтказиш вақтида – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий уставларига мувофиқ.

Ўзбекистон давлат мадҳиясининг матни Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон, қаҳрамони Абдулла Орипов томонидан ёзилган, қуйи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мутал Бурхонов томонидан басталанган. Қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитети, мустақиллигини намоён этадиган давлат рамзларини ҳимоя қиладиган аниқ механизмлар белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексининг 2031-моддасига мувофиқ маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилиш Жиноят кодексининг 215-моддасида белгиланган жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат рамзлари давлат суверенитетининг муҳим атрибути сифатида мамлакатимизнинг тарихий ривожланиш хусусиятларини ўзида ифодалайди, уларнинг тимсолида давлатимиз, ўзбек халқининг тинчликпарвар, яратувчанлик мақсадлари мужассамлашган. Уларда Ўзбекистон Республикасининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш шарт-шароитлари, суверен, тинчликпарвар мамлакат сифатида фуқароларнинг

интипарварлик, чидамлилик, меҳнатсеварлик ва бахтли келажакка ишонч, миллатимиздаги турли миллатлар вакилларининг ўзаро дўстона муносибатлари каби хислатлари ўз аксини топган. Давлат рамзлари халқимизни Ўзининг муҳаббат руҳида тарбиялаш, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини миллатимиз тақдирини билан боғлашда муҳим аҳамият касб этади.

Суверен давлат ҳақида гап кетар экан, унинг пойтахти масаласи ҳам бегиловчи омиллар сирасига киради. Суверен давлат сифатида Ўзбекистон ҳам Ўзининг гўзал ва бетакрор пойтахтига эга. Асосий қонуннинг 6-моддасида Тошкент – Ўзбекистон Республикасининг пойтахти эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Одатда, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органлари, марказий ва бошқа муассасалари жойлашган, мамлакат маъмурий ва сиёсий маркази бўлган пойтахтнинг конституциявий таърифи давлат суверенитетининг муҳим тасвиқларидан бири ҳисобланади.

Тошкент – мамлакатнинг энг йирик иқтисодий, тарихий ва маданий маркази. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, суд ҳокимиятининг юқори органлари, республика давлат бошқаруви органлари, шунингдек, ижтимоий ҳаракатлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотларининг марказлари жойлашган. Бу ерда яна хорижий далаатлар элчихоналари, БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг нақолатхоналари фаолият юритади.

Тошкент шаҳри – иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларини қамраб олувчи йирик саноат марказларидан бири. Марказий Осиёдаги энг йирик транспорт тугуни вазифасини шараф билан удралаб келатган Тошкент аэропорти халқаро ва транзит мақомга эга. Тошкентдан МДХ шаҳарларидан ташқари, Лондон, Франкфурт, Тель-Авив, Дехли, Карачи, Истанбул, Жидда, Бангкок, Пекин, Нью-Йорк, Амстердам, Шаржа, Куала-Лумпур, Сеул, Техрон, Лаҳор ва бошқа ўнлаб шаҳарларга мунтазам рейслар амалга оширилади.

юклагани сари тузум демократлашаверади, давлатнинг юки ҳам энгиллашаверади.

Инсоният тажрибаси демократиянинг икки асосий шаклини ишлаб чиққан: тўғридан-тўғри, яъни бевосита демократия ҳамда вакиллик демократияси – органлар, аввало вакиллик ва бошқа сайлаб қўйиладиган органлар орқали амалга ошириладиган демократия, яъни сайлов демократияси. Демократиянинг мазкур шаклларини бир-бирига асло қарши қўймаслик лозим, чунки бу иккала шакл ўзига хос аҳамиятга эга ва ўзаро узвий боғлиқдир. Тўғридан-тўғри демократия – инсоннинг давлат ишларини ҳал қилишда яширин овоз бериш орқали ёки бошқа шаклда бевосита иштирок этиши. Вакиллик демократияси деб инсоннинг давлат ишларини ҳал этишда ўзи сайлаган вакиллари, яъни депутатлар ёки бошқа сайлаб қўйиладиган лавозимлар орқали иштирок этишига айтилади.

Бевосита демократия (асосий қарорлар фуқаролар томонидан референдум, йиғин каби ташкилий-хуқуқий шаклларда қабул қилинади) ва билвосита демократия (қарорлар сайлаб қўйиладиган муассасалар – парламент ёки бошқа органлар томонидан қабул қилинади) фаркланади. Демократия институтлари хуқуқий давлатда тўла ривожланади.

Дарҳақиқат, биз демократияни фуқароларнинг сайловларда тўғридан-тўғри ўзлари хоҳлаган ва муносиб деб топган номзодлар ёки сиёсий партияларга овоз беришларида кўришимиз мумкин.

Демократия ўзининг соф кўринишида фуқароларга ўзлари ва мамлакатлари тақдирига доир давлатона қарорлар чиқариш жараёнида тўғридан-тўғри, масалан, референдумлар орқали иштирок этиш имконини беради. Бу бевосита демократия демакдир. Бундай имконият Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасида (давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари референдум орқали ҳал этилиши белгиланган) ва 32-моддасида (фуқароларни давлат ва жамият ҳаётини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этишлари белгиланган) ҳам кўзда тутилган.

Фуқаролар ўз номларидан фаолият юритувчи ва қарор қабул қилувчи шайхонларини сайлайдилар. Буни вакиллик демократияси ёки, бошқача айтганда, шайхонлик демократия деб атайдилар. Вакиллик демократиясининг асосида доимий ўтказиладиган, ҳаққоний, ҳалол ва муқобил сайловлар ётади. Бундай сайловларнинг изчил ўтказилиши ҳокимиятни халққа боғлаб туради.

Демократия шундай тузумки, унда инсонни имкон қадар кам шайхонларидилар, имкон қадар кам чегаралайдилар, имкон қадар кам безовта қилдилар. Аммо бу дегани инсон бошбошдоқлик қилаверади, чегарадан чиқаверади дегани эмас, чунки бошқа инсонлар ҳам унинг каби озод инсонлар, эркинлик истайдилар, ҳаловат хоҳлайдилар. Бир инсоннинг ҳаловати бошқа инсонга беҳаловатлик келтирса, бу ҳаловат, бу эрк чегараланмади, фақат шайхоннинг эркига хавф солмайдиган даражадагина чегараланмади. Айрим давлатларнинг “демократия”, “демократиялаштириш” никоби остида бошқа давлатларнинг ички ишига аралашishi мутлақо халқаро меъёрларга тўғри келмайди. Бунга оид меъёрлар Асосий қонунида ўз ечимини топган. Жумладан, Конституциянинг 17-моддасида шундай дейилади: “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ички сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади”.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, ҳар бир давлат ўзининг ички ва ташқи сиёсатини амалга ошираётган экан, албатта, умумэтироф қилинган халқаро нормаларга сўзсиз риоя этиши шарт. Гарчанд демократия азалий қадрият бўлса-ди, фақат XX аср ўрталарига келиб, умуминсоний қадрият сифатида эътироф этилди ва бугун – XXI асрда умумжаҳон мақомига эга бўлмоқда. Шу боис ҳам муштаракликнинг дастлабки йиллариданок мамлакатимизда бунга катта аҳамият берилди. Хусусан, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига кўра, “Ўзбекистон

Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади”.

Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларида, шунингдек, конун лойиҳаларини муҳокама қилишдаги иштироклари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бевосита ўз ифодасини топган. Жумладан, 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги конунда фуқароларнинг конун лойиҳаларини муҳокама қилишдаги иштироклари бевосита кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида фуқароларнинг иштирок этиши ихтиёрийдир ҳамда фуқароларни конун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этишга мажбурлаш тақиқланади. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этишда фуқаролар тенг ҳуқуқдан фойдаланадилар”.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”¹ доирасида давлатимиз тараққиётининг бешта устувор йўналишига доир улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бу ислохотларнинг туб заминида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “...Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган 2017 йилда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ”, деган ғоя асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда”².

Умуман олганда, сўнгги йилларда йиллик давлат дастурлари мазмунан демократик ислохотларни жадаллаштириш, аҳоли турмушида демократия тамойилларининг мустаҳкам ўрин олишига йўналтирилганлигини алоҳида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. //Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017, 6-сон, 70-модда

² Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2017 йил 9 декабр

инкидашимиз ўринлидир. Хусусан, 2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”, 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”, 2020 йил “Илм-тирифат ва ракамлик иқтисодий ривожлантириш йили”, 2021 йил “Ёшларни қўллаб қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, 2022 йил — “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилиниши фикримиз исботи бўла олади.

Демократиянинг асосий қоидаларидан яна бири фуқароларнинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида ниғтирок этиш ҳуқуқларини чеклаш тақиқланишидир. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси жараёнида фуқаролар қонун лойиҳалари бўйича ўз фикрини эркин билдириш ҳуқуқига эгадирлар ҳамда ҳеч ким қонун лойиҳалари юзасидан ўз фикрини билдиришга мажбур қилиниши мумкин эмас¹.

Ҳозирда демократик тизимлар бир-биридан анча фарқ қилади, аммо уларда таракқиётнинг умумий асослари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги талаб ва белгиларда намоён бўлади: инсон ҳуқуқларини тан олиш ва халқаро андозалар даражасида рўёбга чиқариш; демократик ҳуқуқий ва дунёвий давлат принципларини амалга ошириш; Конституциянинг устуворлиги; кўчпартиявийлик, сиёсий плюрализм, экстремизмнинг сиёсий, диний ва бошқа турларига суянмайдиган, жамиятда ижтимоий, миллий ва диний душманлик уругини сочмайдиган сиёсий партиялар фаолиятининг эркинлиги; ҳокимият нақолатларининг тақсимланиши принципи; давлат ҳокимияти фаолият кўрсатишининг қатъий чегараланганлиги; фуқаронинг давлат олдида давлатнинг эса фуқаро олдида мажбуриятларга эга эканлиги; келишув, компромисс ва консенсус сиёсий-ҳуқуқий механизмнинг мавжудлиги; ижтимоий низоларнинг олдини олиш, барқарорлик ва миллий келишувни қўллаб-қувватловчи ҳуқуқий механизмнинг мавжудлиги; фуқароларнинг

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги қонуни, 2000 й.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2001 й., 1–2-сон, 14-модда.

сиёсий жараёндаги фаол иштироклари ва давлат ҳокимиятининг олий идоралари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари шаклланишида сайловчиларнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эъқлиги.

Фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда уларнинг конституциявий кафолатланганлиги жамиятимизнинг демократик моҳиятини ифодалайди. Шу билан бирга, демократия шахсга имкон қадар кўп эркинлик беради ва шунга яраша қатта масъулият юқлайди, инсонни ўз тақдирига масъул этади ҳамда кадр-қимматини кўтаради. Бу жиҳатдан қараганда, Конституциямиз инсон ва фуқароларга анча кенг ҳуқуқ ва эркинликлар беради. Унинг VII-XI бўбларида фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари ва уларнинг кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилган. Асосий қонуннинг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”, деб эълон қилиниши бу борада муҳим қадам ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистонда халқ ҳокимиятчилиги ва унинг амалга оширилиши шакллари хусусида ҳам муҳим меъёрлар белгилайди. Жумладан, унинг 10-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас”.

Демак, Ўзбекистон халқи номидан иш олиб бориш ҳуқуқи Олий Мажлис билан бир қаторда Президентга ҳам тегишли экан, Президент деган атаманинг моҳияти, унинг тегишли давлатда тутган мавқеини аниқлаб олиш фойдадан холи эмас. Президент атамаси лотинча сўз бўлиб “олдинда”, “юқорида ўтирувчи киши” деган маънони англатади. Конституцияга қўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти бевосита халқ томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Шу

шириқа Президент сайлов йўли билан халқдан ваколат олади ва унинг номидан иш кўради. Президент халқ манфаатларини ҳимоя қилиб, унинг хоҳиш-иродасини ифода этиб фаолият юритади.

Ўзбекистонда Президентлик ҳокимиятининг ташкил этилиши, ишчи-фалари ва ваколатлари ҳақида Конституциянинг XIX боби, 89-97-моддаларида атрофлича маълумотлар берилган. Юқорида кайд этилганидек, Конституциянинг 10-моддаси назарда тутган асосий талаблардан яна бири Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ва Президентидан ташқари жамиятдаги ҳеч бир гуруҳ, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб бориши мумкин эмаслигининг қонунлаштириб қўйилганлигидир.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш қонунга ҳилоф ҳисобланади ва тегишлича жавобгарликка тортишга асос бўлади. Бундай ҳаракатлар кўпинча давлатга қарши қаратилган жиноят сифатида талқин этилади.

Умуман олганда, ўзбек халқи ўзига мос бўлган демократик жамият қуриш йўлини танлаб олдики, буни ҳозирги кунда бутун жаҳон мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни кузатиш орқали эътироф этиб келмоқда. Ўзбек халқи танлаган демократик йўл жуда ҳам катта ва ўз ўрнида турли соҳаларда муҳим ислохотларни амалга ошириш талабини ўзида ифода этади.

Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт”, деган муҳим қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиш қоидаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси

қоидаларига тўла-тўқис мос келади. Шу билан бир қаторда, барча фуқаролар бир-бирлари билан дўстона муносабатда бўлишлари ва тинч-тоғув яшашларининг заминида инсон ҳуқуқлари туриши ва бу, биринчи навбатда, конституциявий ҳуқуқ билан ҳимоя қилиниши зарур эканлиги бошданок ҳисобга олинганлигини таъкидлаш жоиз.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ушбу моддасида аниқ ва равшан қилиб инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тенглиги белгилаб қўйилганки, мамлакатда одамлар ўртасида бирон-бир айирмачиликка, яъни улар ўртасида ирқий, миллий, жинсий, диний низоларнинг келиб чиқишига йўл қўйилмайди.

Мазкур моддага биноан қабул қилинган жорий қонунларда эса ҳар қандай кўринишдаги ирқий, миллий, диний низолар, тенглик принципига зид келувчи ҳаракатлар қораланади ва зарур ҳолларда жинойий жавобгарликка тортилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 141-моддасида фуқароларнинг тенг ҳуқуқлигини бузиш, яъни жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ёки ижтимоий мавқеидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқларига қарши бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш жиноят ҳисобланиб, жавобгарликка тортиш учун сабаб бўлиши кўрсатилган. Ўзбекистон халқини эса шу маконда истиқомат қиладиган бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элатлар ташкил қилади. Уларнинг барчаси тенг ҳуқуқли Ўзбекистон фуқароларидир.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришган илк йилларидан бошлаб бугунги кунгача босиб ўтган тараққиёт йўлига назар ташлар эканмиз, юртимизда демократик андозаларга тўлиқ жавоб берадиган замонавий сиёсий тизим барпо этиш борасида жамият ҳаётининг изчиллик билан, босқичма-босқич эркинлашувини таъминловчи мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилганини яққол кўришимиз мумкин.

Давлат ҳокимиятининг тақсимланиши ҳар қандай давлатнинг демократик хусусиятини белгилайди, унинг халқ ҳокимиятчилигига асосланганлигини билдиради. Бу принцип ҳуқуқий давлат барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб

қўйган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида қўйилганича мустақамланган: “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади”.

“Ҳокимиятнинг бўлиниши” назариясига кўра, давлат ҳокимияти ягона, яхлит, бир бутун деб эмас, балки турли ҳокимият (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ваколатларини амалга оширувчи ҳокимиятлар) функцияларининг йиғиндиси сифатида тушунилади. Бундай турли функцияларни амалга оширувчи ҳокимият органлари бир-биридан мустақил равишда ҳаракат қилишлари лозим. Лекин бу “учала ҳокимият идоралари бир-бирига боғлиқ эмас” деган маънони билдирмайди. Аксинча, улар бир-бирини тўлдиради ва назорат қилиб боради.

Ҳокимиятлар тақсимланиши принципи мамлакатнинг конкрет тарихий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда оқилона жорий этилсагина, ҳокимият органларининг мувозанати ва тенглигини таъминлаш мумкин. Мазкур принцип ҳокимият эгаси бўлган субъектларнинг ўзаро муносабатларини тартиб (муайян қонун, андоза)га солиш имкониятини беради. Зеро, уларнинг ҳар бири ўз соҳаси доирасида мустақил, бошқа ҳокимиятга иттибат этмайди, сўзсиз ижро этилишига мўлжалланган қарорлар (актлар) қабул қилади.

Ҳокимиятнинг учала тармоғи, фақат улар ва албатта, уларнинг учаласи биргаликда ягона давлат ҳокимиятини ташкил этади. Улардан бошқа ҳеч бир давлат органи ҳокимиятга даъвогарлик қилолмайди. Ҳокимиятлар тақсимланиши принципининг муҳим жиҳатларидан бири шуки, унда ҳокимиятнинг ҳар бир шохобчаси қолган икки ҳокимият субъектининг ҳар бирини назорат қилиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлиши керак.

Ҳокимият бўлиниши принципи адолатли, демократик, ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Бундай принцип муайян давлатда бирор орган ёки алоҳида давлат раҳбарининг қучли диктатураси ўрнатилишининг олдини олади. Шунингдек, тегишли давлат органларининг ваколатлари, вазифалари аниқ бўлишини таъминлайди, бир